

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**364** Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1122-10*

*(2012 йил 10 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4-сонли қарори (рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 7-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**364-365-моддалар**

**— 36 —**

**31 (531)-сон**

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 21 июль,  
21/8-сон